

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Давлат Ҳариди буйича  
комиссиясининг йигилиш  
**БАЁННОМАСИ №**

Тошкент шахри

«27» июн 2022й.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳаридлари тұғрисида”ти конунига мувофик ва  
университетнинг 2022 йил 3 мартағи № 75-U-сонли бўйрури асосида тайинланган комиссия  
таркиби:

Йигилиш раис: - Б.Собиров

Йигилиш котиби – Н.Палвонов

Давлат ҳаридлари буйича комиссия аъзолари:

3. Х. Ирисметов

4. Д.Кучкаров

5. С.Доттоев

6. М.Ўрозов

### **Кун тартиби:**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Давлат Ҳариди буйича  
комиссиясининг 2022 йил 22 июндаги энг яхши таклифдан чиқкан № 97111- сонли лот ракам билан  
университетнинг Тошкент шахар Мукумий қўчаси 96-йуда жойлашган худудида 400 ўринли талабалар  
турар жойи қуриш буйича баённомани мухокама қилиш тұғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат ҳаридлари тұғрисида”ти  
684-сонли қонунининг 7-606 62-моддаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университетининг 27 июндаги №11-сонли баённомасида белгилаган вазифалар ижросини  
таъминлаш мақсадида

### **ЙИГИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Давлат ҳаридларининг электрон тизимга мухокама қилиш учун иккى иш куни ичида  
тандлаш иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб  
тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети молия иқтисод ишлар  
бўйича проректор, комиссия раиси (Б.Собиров), бош инженер (Х.Ирисметов) ,бош ҳисобчи  
(Н.Палвонов), АТМ бўлими бошлиги (С.Доттоев), таъминот бўлими бошлиги (Д.Кучкаров),  
бош энергетик (М.Ўрозов)лар, «КОВЧЕГ-АРТ» корхонаси билан 618 500 000 (Олти юз ўн  
саккиз миллион беш юз минг) сумга ҚКС билан шартнома тузишга қарор қилди.

3. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети комиссияси котиби  
(Н.Палвонов) мухокама натижалари тўғрисидаги ахборат асосида ҳарид комиссиясининг  
тегишли мажлис баённомаси ҳамда шартнома имзоланган кундан бошлаб ўн иш куни ичида  
Давлат ҳаридларининг электрон тизимиға жойлаштиурсин.

А) Улубу баён қарори бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

1. Раис:  Б.Собиров.  
2. Х.Ирисметов  
3. Н.Палвонов  
4. С.Доттоев  
5. Д.Кучкаров  
6. М.Ўрозов
- 

# Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тұғрисида

## ШАРТНОМА № 9

Тошкент ш.

2022 йил “23” шок

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Негзелік негиздеу  
ТОПЧИ “Негзелік” асосида иш күрүвчи Аким бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “КОВСНЕГ-АРТ” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-000236 сонли лицензия асосида иш күрүвчи директор **Б.И. Матраимов**, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 23 июняғы 97111-сонли баённомасига асосан мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, куйидагилар тұғрисида түздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи күрсатма беради ва Бажарувчи Тошкент Давлат педагогика университетининг “400 уринли талабалар турар жойи курилиши” объекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа хужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатылған тартибда тасдиқланған лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирав ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ҚҚС билан**) **618 500 000** (**Олти юз ун саккиз миллион беш юз минг**) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичидан шартнома баҳосининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилған тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун яқуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи куйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хуласа олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета хужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета хужжатларига тузатишлар киритиши;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига З (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишида топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга каршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуки йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета хужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошлангич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошлангич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқаларни) 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошлангич малумotларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичida Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур кўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

#### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (үн) кун ичida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (үн) кун муддат ичida Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиши муддатини 30 (үттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичидан тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чикиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичидан ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган заарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва заарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий

судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий хисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктириса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузища, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қиласликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равища пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазийк ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичida тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичida тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг кўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўtkazilgандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласи.

Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

- 1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;
- 2-илова – Календар иш жадвали;
- 3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.


## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

**БУЮРТМАЧИ**

**БАЖАРУВЧИ**


**“KOVCHEG-ART” МЧЖ**







Б.И. Матраимов



2022 йил “27” июн даги  
9-сонли шартномага 1-сонли илова

Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш учун шартнома нархи бўйича келишув

## БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо кўювчилар, “Буюртмачи” томонидан  
Нуозишия ишшари ТОШКЕНТ номидан Нуозишия  
асосида иш юритувчи директор А.Н. Кирбижев ва “Бошлойиҳачи” томонидан  
“КОВЧЕГ-АРТ” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Б.И.  
Матраимов, шартномада лойихалаш обьекти Тошкент Давлат педагогика  
университетининг “400 уринли талабалар турар жойи курилиши (2022 йил “27”  
июн даги 6-сонли шартнома баҳоси 15% ҚҚС билан 618 500 000 (Олти юз ун саккиз  
миллион беш юз минг) сўмни ташкил қиласди.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб-китобларни амалга  
ошириш учун асос хисобланади.

Буюртмачи

Бошлойиҳачи

“КОВЧЕГ-АРТ” МЧЖ

Ректор



Б.И. Матраимов

2022 йил “12” шок даги  
9-сонли шартномага 2-сонли илова

Объектни номланиши: Тошкент Давлат педагогика университетининг “400 уринли талабалар турар жойи курилиши

Смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун  
**КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ**

№ т/р	Ишнинг номланиши	Ишнинг муддати (бошланиши ва яқулланиши)	Ишнинг нарх қиймати сўм
1.	2	3	4
1.	Тошкент Давлат педагогика университетининг “400 уринли талабалар турар жойи курилиши	Бошланиши : Буюртмачи томонидан бошланғич тўлов амалга оширилгандан сўнг.  Муддат: 50 кун	(ҚҚС билан) 618 500 000 (Олти юз ун саккиз миллион беш юз минг) сўм.

Жами: 15% ҚҚС билан 618 500 000 (олти юз йигирма миллион) сўм.

Буюртмачи

Бошлойиҳачи

“КОВЧЕГ-АРТ” МЧЖ

Ректор



Директор

Б.И. Матраимов



№ 3342-265d-8c57-f875-1cb0-9648-5308  
Хужкат яратилинган сана: 2019-09-26

Хужкат берилган: ООО "КОВЧЕГ-АРТ"  
Қабул қипувчининг идентификация рақами: 301983446

**Архитектура-шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун  
ЛИЦЕНЗИЯ**

ООО "КОВЧЕГ-АРТ" га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича  
III тоифадаги объектлар учун қуйидаги:  
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Уй-жой-хужалик қурилиши учун  
объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг  
муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Меъморчилик ва шаҳарсозлик  
хужжатларини алоҳида бўлимларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари. Б гуруҳи Бинолар ва  
иншоатларнинг техник ҳолатини текшириш. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия  
берилди.

Лицензия берилган сана: 26-09-2019 йил

Лицензия рақами: АЛ-000236

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 301983446

Юридик шахснинг почта манзили: GULSARA KO'CHASI., 62A-UY

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

**ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ**

Мазкур хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан  
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали  
тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон хужжатнинг нусхаси ҳисобланади.  
Электрон хужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун  
gero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон хужжатнинг ноёб ракамини киритинг ёки мобил  
телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диккат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15  
сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон хужжатлардаги маълумотлар қонуний  
ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон хужжатларнинг  
нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъян тақиқланган.

2203





## Yuridik shaxslar

Hozirgi holat

Guvochnoma

O'zgartirishlar tarixi

007426



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KOVCHEG-ART" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyeklining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

"KOVCHEG-ART" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

21.06.2012

007426-04

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

301983446

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, GULSARA KO'CHASI., 62A-UY.,

Guvochnoma:  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZItomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

